



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36  
 @moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)  
[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) ..... 4

#### Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

#### Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби ..... 20

#### Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

#### Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

#### Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

#### Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

#### Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

#### Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) ..... 70

#### Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

#### Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

#### Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

#### Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

#### Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

#### Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

#### Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari ..... 130

#### Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

Saidmuhammadkhon D. MUHIBULLAYEV,  
*International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctoral student of ICESCO Department for Islamic  
Studies and Islamic Civilization.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [muhibullayvs@gmail.com](mailto:muhibullayvs@gmail.com)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/15

**КАМОЛИДДИН БАЁЗИЙ ТАРЖИМАИ  
ҲОЛИ ВА ЯШАГАН ДАВРИДАГИ  
ИЛМИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ  
МУҲИТ**

**BIOGRAPHY OF KAMALUDDIN  
BAYADHI AND SCIENTIFIC, SOCIAL,  
AND POLITICAL ENVIRONMENT OF  
HIS TIME**

**НАУЧНАЯ, ОБЩЕСТВЕННАЯ И  
ПОЛИТИЧЕСКАЯ СРЕДА БИОГРАФИИ  
КАМОЛИДДИНА БАЙОЗИ И ВРЕМЯ  
ЕГО ЖИЗН**

**КИРИШ**

Мотуридия ақидавий таълимоти XVII–XVIII асрларда ислом оламининг барча ҳудудларига кенг тарқалган. Бунга асосан усмонийлар ва темурийлар давлати катта ҳисса қўшган (Оқилов С., 2020:47). Чунки бу икки давлат фикҳда ҳанафийликка, ақидада эса, мотуридийликка асосланган бўлиб, ўз даврининг алломаларини юксак эъзозлар эди. Шу билан бирга бу таълимотнинг кенг ёйилиши ва бизгача соғ ҳолатда етиб келишига ҳар бир замоннинг буюк алломалари ўзларининг бекиёс хизматларини қўшганлар. Абу Ҳанифа (р.а) ҳаётининг илк даврларини ақида соҳаси билан шуғуланиши натижасида ақоиднинг асосий қоидаларини, келажакда ёзилиши керак бўлган асарлар ўrnak оладиган ибораларни ёзиб қолдирган. Кейинчалик фикҳ соҳасига қизиқиши билдириб шу йўлга кириш ва кейинги фақихлар учун ҳам устоз ҳам йўлбошчи сифатида танилди (Оқилов С., 2020:48).

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (р.а) илмий мероси ҳанафийларнинг энг асосий манбаларидан биридир. Мазҳаббоши диппинг ҳам аслий, ҳам фаръий хукмлари биносини илк бор барпо қилди ва буларнинг асосий бўлимларини шакллантириди (Dr. Çelebi I., 1996:15).

Абу Ҳанифа (р.а)га нисбат бериладиган ақоид рисолалари бутун дунё мусулмонларининг ярмини эгаллаган мотуридия ақидавий мазҳабининг асосий асарлари сифатида шаклланди. Усмонийлар даврида шуҳрат қозонган олим Камолиддин Баёзий бу рисолаларни бирлаштириб, мавзуларга бўлиб, шакллантириди ва шу орқали яна бир асар юзага келди (Dr. Çelebi I., 1996:16).

Камолиддин Баёзийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида сўз кетганда, мотуридия олимлари орасида ўчмас ўrnak ва намуна қолдириб кетган, адолатни ҳамда ҳақни ўзининг шиори килиб олган, Усмонийлар давлатининг энг кўзга кўринган олими сифатида намоён бўлади. Баёзий XVI–XVII асрларда яшаб ўтган ва ҳанафия мазҳаби ва мотуридия таълимотининг кучли ҳимоячиси ҳисобланган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Камолиддин Аҳмад ибн Ҳасан ибн Синонуддин Баёзий Румий (Бу нисбат шу ўлкада таваллуд топгани учун берилган асл наасби учун эмас) Ҳанафий бўлиб, 1044/1634 йилда Истанбулда таваллуд топган. Бобосининг исмига нисбат берилиб, Баёзий, деб аталган. Баёзий Рум уламоларининг улуғларидан бўлиб, Усмонли сultonligiga қарашли ҳарбий қўшиннинг қозиси (ҳарбийлар орасида муаммоларни ҳал қилувчи суд раҳбари), турли илмлар соҳиби, хусусан, фикҳ илмida ҳам машҳур эди. Унинг обрўси ҳалқ орасида машҳур бўлган ва қаерга борса, ҳалқ уни илиқ кутиб олар эди (Dr. Çelebi I., 1996:16).

Камолиддин Баёзий яшаган давр сultonlikning заифлашган бир пайтига тўғри келди. Чунки 1520–1566 йиллар сulton бўлган ва энг кучли сultonлардан ҳисобланган Сулаймон Қонуний ибн Салим ибн Боязиддан сўнг сultonlik аста секин кучини йўқотиб заифлаша бошлади.

Муҳаммад III давридан яъни, 1603 йилдан бошлаб, 1754–1757 йилларда салтанатни бошқарган Усмон III давригача айниқса, сulton Салим II (1566–1574 йиллар) ва Мурод III (1574–1595 йиллар) сultonlik қилган давр тарихда Усмонли давлатининг “заифлик асри” деб аталган (Сайид Муҳаммад Сайид Маҳмуд, 2007:329).

Салтанатнинг заифлик босқичига кириб қолишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

– Кенг ерларни қамраб олган улкан салтанат аҳолиси тили, дини ва маданияти бир-биридан

**Аннотация.** Мақолада мотуридилик таълимоти таниқли вакили Камалиддин Баёзийнинг таржиси майчалик, устозлари, Абу Ҳанифага нисбат бериладиган ақидавий асарларни бирлаштириб “ишорат” услубида шарҳ ёзгани, унинг яшаган даврдаги сиёсий ва ижтимоий ҳолат, усмонийлар давлатининг заифлашуви ёритилган. Баёзий яшаган давр бир нечта усмоний султонлар даврига түрги келади. Бу давр таҳт учун кўраш даври бўлиб, Ҳуррам Султон ҳокимиётни зидан бошқарган. Инкишорийларнинг турли фитналари, диний ақидавий соҳа сиёсийлашуви авж олишига сабаб бўлди. Баёзийнинг яшаган замон айнан уч султон, Мурод IV (1623–1640), Ибраҳим I (1640–1648 й.) ва Мухаммад IV (1648–1687)ларнинг ҳукмронлигига түрги келгани баён қилинади.

Шу билан бирга, мақолада олимнинг илмий изланишлари, Маккаи мукаррамага бориб Омидийдан ижоза олгани ёритилади. Бундан ташқари, Баёзийнинг илмга қўлган хизмати, турли жойларда қозилик лавозимида фаолият юритгани, ҳарбий қози бўлгани келтириб ўтилади. Баёзий қозилик лавозимида ишлаб юрган вақтда ҳам илмий фаолиятдан тўхтаб қолмай, бир неча рисола ва асарлар ёзган. Мазкур асарлар ичида энг долзарб ва ҳозиргача илм аҳллари орасида машҳур бўлгани “Ишорат ал-маром мин иборот ал-Имом Аби Ҳанифа” (Имом Абу Ҳанифанинг ибораларидан кўзланган мақсадларнинг ишоралари) экани очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Баёзий, Синоний, инкишорий, Омидий, Ишорат ал-маром. Усул ал-мунифа, Савонех.

**Abstract.** The following issues are considered in the article, for example, the biography of Kamaluddin Bayadhi, who is the defender of Maturidiyya teachings, the scholar's father; his teachers, Bayadhi's attempt to write a commentary by combining the works attributed to Abu Hanifa, the political and social situation during Bayadhi's life, and the weakening of the Ottoman state. The period in which Bayazi lived coincides with the period of several Ottoman sultans. This period was a period of aspiration for the throne, and Khurram Sultan was in power. Various conspiracies of the Inkisharis caused the politicization of the religious dogmatic sphere to escalate. It is stated that Bayazi lived in the period of three sultans, Murad IV (1623–1640), Ibrahim I (1640–1648) and Muhammad IV (1648–1687).

At the same time, the article mentions the scholar's quest for knowledge and his travel to Makkah and reception of permission from Amidi. In addition, Bayaziy's service to science, his work as a judge in various places, and the fact that he was a military judge are cited. Even while working as a judge, Bayozi did not stop his scientific activities and wrote several treatises and works. Among these works, the most relevant and still popular among the people of knowledge is “Isharat al-Maram min ibarat al-Imam Abi Hanifa” (Indications of the intended goals from the sayings of Imam Abu Hanifa).

**Keywords:** Bayadhi, Sinani, Inkishari, Amidi, Isharat al-Maram, al-Usul al-Munifa, Sawanah.

**Аннотация.** В статье освещается биография известного представителя матуридизма Камалиддина Баязи, его учителей, и его способ написания комментария Баязи к богословским текстам притисываемых Абу Ҳанифе в аллегорическом стиле. Политическая и социальная обстановка эпохи, в которой жил Баязи, ослабление государства Османов совпало с периодом правления нескольких султанов. Это время было периодом борьбы за власть и фактически управляла троном Ҳуррем Султан. Различные заговоры инкишаритов, привело к политизации области богословия. Эпоха в котором жил Баязи соответствует к времени правления трех султанов – Мурада IV (1623–1640), Ибрахима I (1640–1648) и Мухаммада IV (1648–1687).

Также, в статье раскрываются научные изыскания ученого, его поездка в Мекку где он получил “иджазу” от Амиди. Кроме того, приводится его заслуги перед наукой, и то, что он служил судьей в разных местах, помимо всего, был военным судьей. Даже когда он служил судьей, он не прекращал заниматься научными исследованиями. Им было написано несколько трактатов и трудов. Наиболее актуальным из этих трудов и известным среди ученых является “Ишарат ал-марам мин ибарат аль-имам Аби Ҳанифа”.

**Ключевые слова:** Баязи, Синани, инкишарий, Амиди, Ишарат аль-марам. Усул аль-мунифа, Саванах.

кескин фарқ қилувчи, тарқоқ ҳолатдаги, ўзаро жипслашмаган ҳалқлардан иборат эди.

– Инкишорий<sup>1</sup> аскарларининг шавкати паса-

<sup>1</sup> “ал-Инкишория” туркчада “yeniçeri”, арабчада эса, “جند الجدد” “янгича аскарлар” деб юритилган. Улар Усмонли султонлигининг кучли, саралангандишина ва отлиқ аскарлари хисобланган. Инкишорийлар Мурод I даврида (1362–1389 й.) ташкил топиб, 1826 йилда

йиб, фисқу фасодга берилиб кетишиди. Улар давлатини қулатиши мумкин бўлган чўқморга айланиб қолишиди, чунки давлат асосан ана шу аскарларга суюнар, уларнинг кучи билан ғалаба қозонар эди.

– Халқнинг манфаатларини ўйламай қўйиши, унинг ҳаётига эътиборсизлик.

Махмуд II даврида тутатилган.

- Ҳарбий иқтидорни ҳамма нарсадан устун қўйиш, куч-кувватни маҳкам ушлашга, ҳамма тарафни сиқиб қўйишга мойиллик ортгани.
- Кўпчилик султонларнинг айш-ишратга берилиб кетгани.
- Европалик аёлларга уйланиш. Бу эса, султонларнинг саройларида ғарблик жосусларнинг кўпайишига олиб келди.
- Салтанат олдидаги асосий мақсад йўқ эди. Кўплаб ғалабаларга эришгач, султонлар асосий мақсадни, келгуси босқичларни эътиборсиз қолдирдилар.
- Салтанат сарҳадлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетиб, уларни бошқариш имконияти йўқолди. Идорачилик орқага кетди, порахўрлик, коррупция кўпайди.
- Европада салбчилик ҳаракатининг кучайиши, вайронкор урушларнинг кўпайиши.
- Илфор ғояларга эргашмаслик, замонавий қуроллар билан қуролланмаслик, илмий-техник тараққиётга эътиборсизлик оқибатида қолоқлик, таназзулга юз тутиш.
- Мустамлака мамлакатларда мустақиллик учун кураш, қўзғолон ва исёнчилик ҳаракатларининг доимий равишда кучайиб бориши.
- Махфий жамиятлар тузиб, миллатчилик, маҳаллийчилик фикрларини олға суришга қаратилган ҳаракатларнинг кучайиши (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, 2017).

### МУХОКАМА

Камолиддин Баёзий яшаган давр усмонли султонлардан Мурод IV (1623–1640 йиллар), Иброҳим I (1640–1648 йиллар. Бу иккиси ака-ука бўлган), Мухаммад IV (1648–1687 йиллар) каби уч султонлар даврига тўғри келган. Бу юқорида айтиб ўтганимиздек сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан анча орқага кетган, султонлар таҳт талашиш, халқнинг ҳолига эътиборсиз бўлган бир давр эди. Камолиддин Баёзий шу даврдаги олимлар тарафидан турли қаршиликларга ҳам дуч келган. Бунга олимнинг Истанбулда қозилик қилиб турган вақтда учраган синови ёрқин далил бўлади.

Шу ўринда олим яшаган даврдаги уч султон ҳақида кисқача тўхталиб ўтсан, бу даврдаги ижтимоий ва сиёсий ҳолат кандай эканига ёрқин гувоҳ бўламиз.

Мурод IV (1612–1640 йилларда яшаган) амакиси Мустафо I султонликдан бўшагач,

1623 йилдан бошлаб 17 йил давлатни бошқарган, таҳтга ўтирган пайтда у 11 ёшда эди. Шу сабаб, таҳтни онаси Кўсим султонхоним юритган. Бағдод шахри Мурод IV нинг султонлик вақти 1639 йилда Усмоний давлати тасарруфига кўшилган. Мурод IV шерият ва мусиқага қизиқар эди. Бу давр давлатни деярли инкишорийлар эгаллаган ва султон гўё қўғирчоқдек эди, чунки инкишорийлар таҳт курашида Мурод IVнинг онаси Кўсим султонхонимга тўла кўмакчи бўлган эдилар.

Мурод IV таҳтга 11 ёшида ўтирган бўлсада, ҳокимиятга 17–18 ёшлар атрофида эга чиқди. Таҳтга ёш ўтиргани ва бу давр барча шаҳзодалар таҳт талашгани учун Мурод IV давлатни бошқаришга бошида анча қийинчиликларга учради, бундан ташқари давлатнинг ички ва ташки фитналар емираётган эди. Давлат ишлари Кўсим Моҳибиқр султонхонимнинг кўлида жамланди. Давлат ишлари фитна, нотинчилклар ва инкишорийларнинг инқилобига учрашда давом этди, давлат ишидан Кўсим султонхонимнинг 9 йиллик бошқаруви ниҳоясига етгач, давлат ишларини идора қилиш Мурод IV нинг кўлига ўтди. Кўсим султонхоним инкишорийлар билан алоқаси яхши бўлган, чунки улардан ўз фарзандларини таҳтга чиқаришда кўп ёрдам олган эди.

Таҳт тўлиқ Мурод IV нинг кўлига ўтгач, у ўзидан олдинги султонлар даврида жиддий тус олган бузғунчиликларни таг-томири билан суғуриб ташлашга ҳаракат қилди. Султон Мурод IV давлатни идора этиш мақсадида кўчаларда яширинча кезиб назорат қилиб юрар ва ноўрин ишларга гувоҳ бўлса, шу заҳоти жазо ўлароқ жиноятчини ўз қўли билан ўлдириб кетар эди. Ҳатто, у бу ишга мукласидан кетиб, ўлдиришга қизиқувчан бўлиб қолади. Ўзидан олдинги султонларнинг баъзиларидан урф бўлиб келаётган, таҳтга ўтирган шаҳзода қолган шаҳзодаларни таҳтга даъвогар бўлиб қолмаслиги учун ўлдириб юбориш ишини бу ҳам давом эттириб, ўз укаларини ўлдиради. Лекин Иброҳим I онасини ҳимоясида бўлиб, ўлимдан кутилиб қолди. Чунки усмонийлар авлодидан таҳтга меросхўр бўлиб қоладиган Мурод IV дан сўнг Иброҳим I дан бошқа бирор киши қолмаган эди. Шу сабаб бу давлат инқирозга учрамасин деб Кўсим султонхоним бу ишга аралашди.

Султон асосан сафавийларга қарши жанглар олиб борди, чунки сафавийлар аста-секин усмонийларга карашли шаҳарларни эгаллашга уринаётган эди. Хуллас, бу давр бир ёқдан

сафавийлар, бир ёқдан ички фитналар бошқа тарафдан эса, инкишорийларнинг инқилобига қарши кураши билан ўтди. Мурод IV сафавийлар билан сулх тузилгач, 1640 йил 9 февралда 31 ёшида вафот этди.

Мурод VI нинг укаси Иброҳим I 1615 йил 5 ноябруда Истанбулда туғилган, усмонийларнинг 19 султони эди. Тахтга акаси Мурод IV вафотидан сўнг 1640 йилда ўтирган. Бу пайтда 25 ёшлар атрофида бўлган. Иброҳим I акалари Усмон II ва Мурод VI даврида марказдан узоқ ўлкаларда кун кечириб юрди. Тўрт акасининг ўлимига гувоҳ бўлди, ўзи ҳам шулар қатори ўлимини кутиб юрар, бу эса уни доим ташвишга солар, шу сабаб илм ўрганишга ҳам аҳамият бермай, ўзини четта олиб яшириниб юргани учун ҳарбий маҳорати ҳам яхши эмасди.

Иброҳим I ҳам давлат ишларини акаси Мурод IV каби бошлашга ҳаракат қилди, лекин Иброҳим I акасидек эмас эди. Бунинг натижаси улароқ давлат ишлари тартибсиз бўлиб, мансабдор шахсларни сабабсиз ишдан олиш, уларни ўлдириш ҳолати давом этарди. Султонларнинг имкониятлари чекланган ва уларнинг сиёsatлари анча заифлашган бўлиб, катта давлатга кучли таъсир кила олмас эди.

Султонлари заифлашганидан давлат “سلطنة الحرم” “Аёллар салтанати” номи билан атала бошланди. Чунки давлат ишларига маликалар араласиши одатий ҳол бўлиб қолган, уларнинг нуфузи ҳокимият ишларига сингиб кетган, таъсири анчагина кучайган эди. Буларга қарши туришга факат Садрулъзам Мустафо Пошшо имкон топа олди холос. Султонларнинг онаси Кўсим султонхоним давлат ишида қўли баланд бўлишини истар ва шу сабаб фарзанди султон Иброҳим I ни Мустафо Пошшога қарши туришга ундан, охири уни йўқ қилишга эришди (Сайид Муҳаммад Сайид Махмуд, 2007).

Султонликнинг сиёсий ва ижтимоий ҳолати ёмон бўлишига қарамай, давлат ҳали ўз кучини йўқотмаган эди, бундай ҳолатлар султонликни чорасиз ҳолатга олиб келиб қўйишгacha кўп таъсир этмаганди. Султон ўзини ўнглаб олиши биланоқ, Карит буғози урушига тайёрлана бошлади ва каттиқ жанглар олиб борди.

Инкишорийлар Иброҳим I га қарши қўзғолон кўтариб, уни ағдаришга ҳаракат бошладилар. Бу вакт давлатнинг молиявий ҳолати ҳам анча оғирлашиб қолган ва инкишорийлар бундан унумли фойдаланиб, давлат ишларига аралаша бошлаган эдилар. Султон Иброҳим I фитнани

бостириш ва инкишорийларнинг бошликларидан қутулишга ҳаракат қиласар эди. Инкишорийлар ўзларининг султон Иброҳим I томонидан давлат ишидан олиб ташлаш нияти борлиги ва шунга ҳаракат қилаётгани ҳақида хабардор бўлишгач, тезда ҳаракат бошлаб, давлат тўнтариш ишларини эълон қилдилар. Уларнинг бу ишига шайхулислом Абдураҳим Афанди ва баъзи уламолар ёрдамлашдилар. Барчалари султон Иброҳим I ни таҳтдан ағдариб, унинг ўрнига султоннинг ҳали 7 ёшга ҳам тўлмаган ўғли Муҳаммад IV ни таҳтга чиқаришга келишиб олдилар (Мутаваллий А., 2005:285).

Уларнинг давлат тўнтариш ишлари 1648 йил 8 августда амалга ошди. Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Баёзий яшаган давр сиёсий вазият таҳликали, шаҳзодалар таҳт учун бирбирини қатл қиладиган бир вакт бўлган. Жамият ҳам шу ҳолатга кўнишиб яшаган. Илм эса, тўхтаб қолмаган. Аммо сиёсий ҳолат оғир бўлганидан турли бузғунчи тоифалар авж ола бошлаб, ҳатто давлат ишига ҳам аралаша бошлаган. Баёзийнинг илмий фаолиятини ўрганишда турли сиёсий гурухлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлинади.

Камолиддин Баёзийнинг яшаган даврда сиёсий вазият оғирлашган, турли фитналар ва ижтимоий ҳолат ҳам сустлашган бўлсада, олим илм фаолиятдан тўхтамаган. Олимнинг болалик ва таҳсил олган вакти Истанбулда ўтди. Бошланғич илмни ўз шаҳрида Макка ва Истанбулда ҳам таникли олимлардан бири бўлган отаси Баёзий Ҳасандан олди (Dr. Çelebi I., 1996:17). Сўнгра, Румнинг фозил кишиларидан бўлмиш Аллома Яхё Минқорий ва бошқалардан олган. Баёзий отаси Ҳасан билан бирга ҳаж ибодатини бажариш учун Маккан мукаррамага бориб, шу ерда олим Шамсуддин Бобилийнинг (ваф. 1666 й.) дарсида қатнашган. Отаси Ҳасан ҳам Маккан мукаррамада катта обрўга эга бўлиб, қозилик вазифасида ишлаган.

Баёзийга устозлик килганлар орасида бобоси – “Мулла Чалабий” деб танилган диёрбакрлик машҳур муҳаққиқ олим шайх Муҳаммад ибн Али Омидий (ваф. 1656 й.) турли илмлар бўйича ижоза берган. Шулар қаторида унга шайх Узун Ҳасан (ваф. 1670 й.) ва шайхулислом Абу Сайд (ваф. 1662 й.) ҳам устозлик қилдилар. Баёзий кўп вактини шайхулислом Абу Сайд ёнида ўтказди. Шундан кейин Маккан мукаррамага бориб, юқорида айтиб ўтилганидек Шамсиддин Бобилийнинг дарсларига қатнашиб юради.

1646 йилда 40 оқча (кумуш танга) маош билан Адирападаги Қози Сулаймон мадрасасига мударрис этиб тайинланди. 1655 йилда Махмудзода Аҳмад Афанди (ваф. 1658 й.) ўрнига Юсуф Пошо мадрасасига, 1657 йилда Софиали Иброҳим Афанди (ваф. 1670 й.) ўрнига Кепакчи Синон мадрасасига, 1660 йилда шайх Ражабзода Мухаммад Афанди (ваф. 1667 й.) ўрнига Иброҳим Пошой Жадид мадрасасига, 1662 йилда эса Самтий Мухаммад Афанди (ваф. 1669 й.) ўрнига Нишончи Пошой мадрасасига, 1663 йилда Қуддусзода Мухаммад Афанди (ваф. 1686 й.) ўрнига Сахни Сомон мадрасасига, 1663 йилда Бўстонзода Абу Бақр Афанди (ваф. 1672 й.) ўрнига Залпошо Султон мадрасасига, 1665 йилда Исҳоқзода Мухаммад Солиҳ Афанди (ваф. 1672 й.) ўрнига Аё София мадрасасига мударрисликка тайинланиб, шу жойларда фаолият олиб борди.

Баёзий умрининг ярмини мударрислик билан ўтагандан сўнг қозилик лавозимига таклиф қилинади. Ушбу соҳада илк ишини 1666 йилда Ҳалабда қозилик қилишдан бошлайди (Dr. Çelebi I., 1996). Шаҳар аҳли олимни яхши қабул қилиб, хурматини жойига қўйишади. Лекин олим билан шаҳар муфтийси аллома Мухаммад ибн Ҳасан Кавкабий (Мухаммад ибн Ҳасан ибн Аҳмад Кавкабий Ҳалабий Ҳалаб мұфтыйси ва унинг олимларидан бири бўлган. ваф 1685 й.) ўртасида кўп баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Баёзий бу ерда 2 йилча ишлагандан кейин 1668 йилда Ҳалаб қозилигидан кетади.

Иккинчи қозилик ишини 1671 йилда, Иброҳим Афанди (ваф. 1673 й.) Бурса қозилигидан олингач, шунинг ўрнига қозилик қилишга тайинланади. 1672 йилда эса, Абдураҳимзода Мухаммад Афанди (ваф. 1685 й.) ўрнига Маккан мұкаррама қозиси бўлиб иш бошлайди. Шу вақт давомида “Мажлис ал-ҳукм”да дарс берди ва ўзининг “ал-Усул ал-мунийфа” асарига шарҳ ёзди ва бу шарҳни “Ишорот ал-маром мин иборот ал-Имом” деб номлади. Баёзий Маккан мұкаррама қозилигига 2 йил ишлаганидан кейин 1674 йили қозиликдан бўшади. Шу орада бир муддат Шомда колди. Шом халқи уни илиқ кутиб олди ва хурмат кўрсатди.

Муҳиббий (ваф. 1699 й.) Баёзий билан шу аснода учрашганини қўйидагича хабар беради: “Мен Баёзий билан Румда учрашиб, унинг илмидан истифода этдим. Уни илм тоғларидан бир тоғ ва мустаҳкам илм соҳиби эканига гувоҳ бўлдим... Баёзий 1675 йилда Даббағзода

Муҳаммад Афанди (ваф. 1702 й.) ўрнига Истанбулга қози этиб тайинланиб бир йилдан сўнг бу қозиликдан бўшатилди (М. Ҳанчи, 1992:39). Баёзий бу ердан кейин Румелия қозиси бўлиб ишлаган. Бу қозилик 1680 йилда бўлиб ўтди”, деган.

Олим Камолиддин Баёзий 1687 йил 14 жумодул-уло жума куни вафот этгач, Ускудардаги Даъватчизода қабристонига дағн этилган. Шамсиддин Сами (ваф. 1904 й.) Баёзийнинг вафотини 1675 йили эканини ишончли деган (Dr. Çelebi I., 1996).

Баёзийнинг бизгача этиб келмаган 6 та фан бўйича ёзилган “Савонех ал-улум” номли асари ҳам бўлган.

XVII асрнинг бошларида пайдо бўлган қозизодалар сиёсий-диний харакат асосчилари бўлиб, Усмоний сultonлик даври XVII асрда сиёсий ва мағкуравий зиддиятларни вужудга келтириш орқали қўзғолонларга сабабчи бўлдилар. Улар тасаввuf ва тариқат аъзоларига душман сифатида қарашган. Уларнинг фикрига кўра Пайғамбар давридан кейин пайдо бўлган янгиликларга йўл қўймаслик кераклиги борасида мунозаралар авжига чиқди.

Қозизодаларнинг имомларидан бўлган Биргавий мадрасани битиргач, Истанбулга келди ва Аё София жоме масжиди имоми Қозизода Махмуд Афанди (ваф. 1635) ўз ваъз ва сухбатларида Биргавийнинг қарашларини асос қилиб, қаттиқ ва фасоҳат билан маъruzalар қилиб, бунга қарши чиққанларга уруш эълон қилди. Қозизода Махмуд Биргавийнинг “vasiyatnomasi”сига шарҳ ёзган ва бу асар турли вақтларда нашр этилган. Масалан, асар 1979 йилда Истанбулда “Бадр” нашриёти тарафидан нашр қилинган. Қозизода ваъзларида аzon ва мавlidни мақом билан (оҳанг билан) ўкиш, тариқат арбоблари ва сиймоларига эҳтиром кўрсатиш жоиз эмас ҳамда сигарет ва қаҳва кабилар ҳаром, Мухаммад (с.а.в)нинг ота-оналари куфрда ўлган деб, янги пайдо бўлган ҳар қандай ишлар ва нарсалар тарк этилиши кераклиги каби қонунларни муболағали бир шаклда илгари сурарди. Қозизоданинг бу сўзларини сарой ичидаги ҳам қисман қўллаб-куvvatлаш бор эди (Рафик Н., 2002). Буларга қарши тарафда эса, мавлавий ва маломатий тариқатларида мансуб кишилар бор бўлиб, буларнинг етакчиси Султон Махмуд жоме масжиди имоми Абдулмажид Сивасий Афанди (ваф. 1639 й.) ва унинг издошлари эди. Сивасийлар қозизодалар қарашларининг аксини илгари суришди. Масалан,

Мұхаммад (с.а.в.)нинг ота-оналари имон билан ўлғанлари, ўша давр нұқтаи назаридан келиб чиқиб сигарет ва қахвани ҳаром эмаслигини (балки, макрухи таҳримий, яъни ҳаромга яқин макрух деб) айттар әдилар.

Ҳар иккى тараф ҳам ўз қарашларини асос қилиб саройга таъсир ўтказишга ҳаракат қиласы ва улар ҳокимият учун қандайдир кураш олиб боришаради. Биргавий тарафидан диний ва илмий қўринишда шаклланган қарашлар Қозизоданинг ифодаларида сиёсий шиорга айланди. 1635 йилда Қозизода Махмуд Афандининг ўлимидан сўнг бу қарашларни Махмуд Афанди Устувоний (ваф. 1655 й.) Шомдан Истанбулга келиб, Аё София мажмуасида тарғиб қилиш ишини бошлади. Устувоний ҳам Қозизода каби кўпол, муросасиз, аммо жуда кучли воиз эди. Ушбу даврда қозизодалар сарой ичидағи баъзи кишиларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўзларига қарши тарафга нисбатан куч ишлатиш орқали босим ўтказа бошлайдилар ҳамда мавлавий ва маломатийларнинг таъяларига бостириб кириб, у ердаги муридларга кўпол муносабатда бўладилар. Кафавий Ҳусайн Афанди (ваф. 1676 й.) бошчилигидаги қарама-қарши томон Биргавийнинг “Тариқати Мұхаммадия” асари, ундаги ҳадисларнинг аксарияти заиф ёки тўқима, деб даъво қилиб, ўзларини ҳимоя килдилар. Биргавий “ат-Тариқат ал-Мұхаммадия вал-василат ал-Аҳмадий” асарини арабчада ёзган бўлиб, унда этикод, амаллар ва ахлоқий конунлар келтирилган. Муаллиф бу асарида Қуръон ва суннатга зид, деб таъкидлаган баъзи амалларни танқид қилган ва уларни бидъат, деб таърифлаб, бу қарашларини исботлаш учун ҳадис китоблари орасидан кўплаб ривоятларни шарҳлаган.

Вазият яхшиланмаётганини кўрган Кўпрўлу Махмуд Пошо 1656 йилда Устувоний ва унинг яқин дўстларини ҳибсга олиб, Кипр оролига сургун килди. Шунингдек, рақибларига қарши Биргавийнинг танқидий чикишларини тақиқлади (Рафик Н., 2002).

Баёзий ҳам қозизодалар таъсири остидаги мадрасаларда талаба бўлган. Бундан ташқари, отаси Баёзий Ҳасан Афанди, Омидий, Узун Ҳасан Афанди, Шайхулислом Абу Саъид Афанди ва Шамсиддин Бобилий каби олимлардан илм таҳсил қилди. У отаси Макка қозиси бўлган вактда барча илмлардан ижозатнома олган.

Араб тилини жуда яхши биладиган Баёзийнинг “Ишорат ал-маром”ни насрый ва “Рисолат ал-баҳс вал мужиб” асарини назмий шаклда

ёзилган асарлари қаторида келтириш мумкин. У эътиқодий қарашларда Абу Ҳанифа ва Мотуридийнинг қарашларига риоя қилган ва ўз асарларида уларнинг қарашларига катта аҳамият қаратган. Баёзийнинг таъкидлашича, калом илми Қуръон ва суннатга асосланган, Қуръони каримда калом илми тушунчаси ва методи йўқ, деб даъво қилганларга қарши, аксинча Қуръонда калом илмiga тегишли фаръий ҳукмлар мавжуд эканини, бундан ташқари, Аллоҳнинг борлиги, Унинг сифатлари, пайғамбарлари ва охират куни ҳақидаги оятлар жуда кўп эканини айтиб, шундай дейди: “Мен саҳобаларни калом илмiga боғлик бу оятларга аҳамият бермаган деб ўйлайдиганларга ҳайронман” (Камолиддин Баёзий, 2007:47–48).

Баёзий баъзи масалаларда ўта қаттиққўл айниқса, айрим фатволар ва ҳукмларга нисбатан кескин эдики, унинг чиқарган ҳукмларига барча ҳам рози бўлавермасди. Унинг бу каби қарашларига қозизодаларнинг таъсири ўтган бўлиши мумкин. Негаки, олим ўз асарларида бидъатлар, Мұхаммад (с.а.в.)нинг ота-оналарини охиратдаги ҳолати мўъминлик ҳолати эмас, деган масалаларда қозизодаларга яқин қарашлари кузатилиди (Камолиддин Баёзий, 2007). Бурсалик Мұхаммад Тохир (ваф. 1925 й.) Баёзийни нақшбандия тариқатида бўлганини таъкидлаган, лекин, бу гапни қўлловчи бирорта маълумотлар мавжуд эмас. Шунингдек, олим ўз даврининг етакчи дурадгор ва машхур хаттотлардан бири Дарвеш Абдуҳдан (ваф. 1647 й.) хаттотлик таълимини олган (Dr. Çelebi I., 1996).

Баёзий ҳам насрый, ҳамда назмий услубларда асарлар ёзган қалами кучли калом ва фикҳ олими бўлган. У ўзининг барча асарларида ҳанफия-мотуридия йўли ва анъаналарини илгари суришга ва ҳимоя қилишга интилган. Имом Аъзам Абу Ҳанифнинг қарашларини жамлаш, тартиб этиб уларни шарҳлаш билан танилган. Баъзи манбаларда унинг ҳаёти ҳақида эслатиб ўтилган ва унинг “Ишорат ал-маром” номли асари “ал-Фиқҳ ал-акбар”нинг изохи, дейилган бўлсада, лекин муаллифнинг “ал-Фиқҳ ал-абсат”, “ал-Олим ва-л-мутааллим” ва “ал-Васият” номли Абу Ҳанифага тегишли беш асарни, муснадлари ва маноқиблар ёртилган “Усул ал-мунийфа ила Имам Абу Ҳанифа” номли асари ҳам бўлиб, “Ишорат ал-маром” эса бунинг бир қисмига шарҳ шаклида ёзган. Табақот китобларида “Усул ал-мунийфа” асари ҳам Баёзийга нисбат берилган. Олимнинг “ал-Фиқҳ ал-абсат”, “ал-Олим ва-л-мутааллим” ва “ал-Васият”ларга шарҳ шаклидаги бошқа асарлари топилмаган (Dr. Çelebi I., 1996).

## НАТИЖА

Шу ўринда олимнинг колган асарларини алоҳида-алоҳида келтириб ўтамиз. Унинг “Ал-Усул ал-мунийфа” асари Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар”, “ал-Олим ва-л-мутааллим”, “ар-Рисола” ва “ал-Васият” номли асарлари ҳамда “Муснад”идаги мавзулари, у зот хақидаги маноқиб китобларини қалом илми атрофидаги мавзулар таркибига кўра бирлаштирган асардир. Бу асарнинг Сулаймония кутубхонасида олтита кўлёзма нусхаси сақланади. Булар: 1). Шаҳид Али Пошо номидаги 1705/1 рақам билан қайдланган бўлимда, варафи 19 вароқ. 2). Лолали номидаги 2264/7 рақам билан қайдланган ва 1135/1722 йилда айнан шу нусха кўчирилган. 3). Қилич Али Пошо номидаги 567/1 рақам билан қайдланган 17 варакълик бўлиб бундан ҳам нусха олинган (олинган нусхаси ҳақида маълумотлар топилмади). 4). Асьад Афанди номидаги 1140/1 рақами билан қайдланган 29 варакълик ва бу ҳам кўчирилган ҳамда шу кўчирмаси ҳам 1140/2 рақами билан қайдланган инвентар остида сақланади ва 29 варакдан иборат. Бундан ташқари, Сулаймония кутубхонасининг каталогларидағи “Усул ад-дин” номли асар Баёзийга тегишли бўлсада, ушбу асарнинг муқовасида номини акс эттирадиган қайд мавжуд эмас, ушбу асар “ал-Усул ал-мунийфа” асари экани аниқланди (Dr. Çelebi I., 1996:22);

Олимнинг “Ишорот ал-маром мин-иборот ал-Имом” асари мақолада кўриб чиқилди.

Олим “Савонех ал-мутороҳат ва лавоех ал-музокарот” асарида Ҳалабда қози бўлиб турган вақтда Ҳалаб муфтийси Кавкабзода билан бўлиб ўтган илмий баҳслар келтирилган.

“Рисолат ал-баҳс ва-л-мужиб” асари саволжавоб шаклидаги манзума бўлиб, ақида илмига тегишилдири.

“Шак” асарининг номи туркчадан араблашган бўлиб, асл номи Чек, яъни текширинг, деганидир. Бу асар қозиликка доир ишлар ва шу вақтда қилинган ҳукмларни ўзида жамлаган;

“Мажмуа фи масоил ал-мунтахаба” ҳам ақидага доир асар бўлиб, ҳозирда кўлёзма нусхалари Сулаймония кутубхонасида сақланиб келинади (Dr. Çelebi I., 1996:22–26).

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Баёзий ўз даврида кўзга кўринган олимлардан бўлган. Муҳиббий ўзининг “Хулосат ал-асар” номли

китобида (1/181) шундай деб хабар беради: “Камолиддин Баёзий Румелияга ҳарбий қўшин судяси этиб тайнинланди. Унинг бу лавозимда турган вақтида жуда кўп қор ёғади, шунда мен унга атаб (мажозий маънода) қўйидаги сўзимни айтдим:

والأرض سرت به لهذا حلقة البياض

Ер унинг ташрифи ила сурур бўлди

Шу сабаб Баёз (оқ) зийнатин кийди”.

Муҳаммад Зоҳид Кавсарий Баёзий ҳақида шундай деган:

“Ҳақиқатдан аллома Баёзий Аллоҳ кенг кўламли билим, қийин масалаларни дақиқ ва чукур ўрганиш, далилларни иқтибос қилишда аниқ баён қилиш, яширин фойдаларни топишда ўткир зеҳн билан сийлаб икром қилган зотлардан бўлган. Манбаларнинг гувоҳлигига кўра олим ақида илми борасида нодир китоб соҳиби бўлган. Олим ашъария ва мотуридия йўналишлари борасида шундай дейдик, албатта, Мотуридий бу ақида илмининг асосчиси эмас, балки, у Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари мазҳабини баён қилувчиси бўлган. Ашъарий ва Мотуридий орасида ихтилоф (элликтача масалада) фақатгина бу масалага хилоф бўлишда бидъатчи дейилмайдиган жузъий масалаларда бўлган. Баёзий бу масалаларни иқтибос қилиб уларни тўлиқ таҳқиқ килган. Бу шарҳи ниҳоясига етган вақтда Маккан мукаррамада қозилик вазифасида бўлган.

Олим қалом илмида шу даражада билимдон бўлганки, унинг тадқиқотлари олдида ўзидан кейин келган олимлар айниқса, ашъарий ва мотуридийлар орасидаги ихтилофлар масаласида китоб ёзган кишилар унинг асарларига эҳтиёж сезган.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абулмунтаҳо Мағнисавий. (2021). Шарҳи фикхул-акбар. Истанбул: Дор ас-сирож.
2. Айдарбек Тўлепов. (2016). Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тошкент: Мовароуннаҳр.
3. Камолиддин Баёзий. (2007). Ишаротул-маром. Байрут.: Дор ал-кутубул-илмия.
4. Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий Абу Наср. (2007). Ас-сиҳоҳ. Қоҳира: Дор ал-ҳадис.
5. Ибни Ҳишом Ансорий. (2019). Шарҳи котрун-нада ва баллус-сода. Байрут: Муаассаса ар-рисала ан-наширун.
6. Мулла Алий Корий. (1998). Минаҳ ар-ровзатул-азҳар фи шарҳил-ғиқҳул-акбар. Байрут: Дор ал-бишаротул-исламия.
7. Босим ибн Сомим Жийлоний. (2017). Умдатул-ҳанафийя. Байрут. Лубонон. Ширкату Дорул машариқ.

8. Ибн Қутлубуғо ал-Қосим ибн Абдулоҳ Судуний. (1862). Тожут тарожим фи табақотил ҳанафия. Лейпциг: Флугел.
9. Мұхаммад Абдулхай Лакнавий ал-Хиндий. (1906). Фавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия. Ж. 2. Қохира: 1906.
10. Қураший Абу Мұхаммад Абдүлқодир ибн Абіл Вафо Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Мисрий. (1913). Ал-Жавоҳирұл мудия фи табақотил ҳанафия. Ж. 8. Хайдаробод.
11. Ҳожи Ҳалифа. (1360). Қашғуз зунун ан асамиъил күтуб вал фунун. Ж. 2. Истанбул.
12. Зириклий Ҳайруддин. (1998). Ал-Аълом. Ж. 8. Байрут: Дорул илм лил малайин.
13. Муаллифлар жамоаси. (2000). Мунжид фил аълом. 24 нашр. Байрут: Дорул Машрик.
14. Мұхаммад Шариф Журжоний. (2012). Китабут Таърифот. Байрут Лубнон: Дорун нафоис.
15. Сайид Мұхаммад Сайид Махмуд. (2007). Ұсмонийлар давлатлари тарихи. Қохира: Мактабат ал-адаб.
16. Аҳмад Фуад Мутаваллий. (2005). Ұсмонийлар давлати тарихи. Қохира: Мактабат ал-адаб.
17. Оқилюв С. (2004). Абул Муъин ан-Насафий Мотуридия таълимотининг давомчиси // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти.
18. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. (2017). Ислом тарихи. Иккинчи китоб. Hilol-Nashr.
19. Абдулқодир Абдур Рахим. (2016). Эътиқод дурдонлари. Тошкент. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.
20. Ҳасанбаев Ў., Ҳатамов Ж. (2020). Ўзбекистон республикасида виждан эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Тошкент: “Movarounnahr” нашриёти.
21. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. (2021). Тағсири Ҳилол. Т. 1. Тошкент: “Hilol-Nashr”.
22. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. (2018). Тағсири Ҳилол. Т. 1.2.6. Тошкент: “Hilol-Nashr”.
23. Қуръони карим. (2020). Тошкент: “Hilol-Nashr”.
8. Ibn Qutlubugha al-Qasim ibn Abdulah Suduni. (1862). Tajut tarajim Fi tabatatal hanafiya. Leipzig: Flugel.
9. Muhammad Abdulhai Lakhnawi al-Hindi. (1906). Favovidul bahiya Fi tarojimil hanafiya. Vol. 2. Cairo.
10. Qurashi Abu Muhammad Abdulkadir ibn Abil Wafa Muhammad ibn Muhammad al-Misriy. (1913). Al-Jawahirul mudiya Fi tabatatal hanafiya. Vol. VIII. Hyderabad.
11. Haji Khalifa. (1360). Kashuz Zunun an asami’il kutub va Funun. Volume II. Istanbul.
12. Zirikli Khairuddin. (1998). Al-A’lam. Volume VIII. Beirut: Dar al-ilm lil malayin.
13. Team of authors. (2000). Munjid fil a’lam.24 \_edition. Beirut: Dar al-Mashriq.
14. Muhammad Sharif Jurjani. (2012). Kitabut ta’rifat. Beirut Lebanon: Dar al-nafais
15. Sayyid Muhammad Sayyid Mahmud. (2007). History of the Ottoman states. Cairo: Maktabat al-adab publishing huse.
16. Ahmad Fuad Mutavalli. (2005). Usmoniylar davlati tarixi. Cairo: Maktabat al-adab.
17. Akilov S. (2004). Abul Mu’inNasafi is the successor to Nasafi’s Moturidia doctrine . TIU scientific analytical information.
18. Sheikh Muhammed Sodiq Muhammad Yusuf. (2017). History of Islam. Vol. 2. Tashkent: “Hilol-Nashr” publishing house.
19. Abdulqadir Abdur Rahim. (2016). Masterpieces of faith. Tashkent. General editorial office of the publishing-printing Joint-Stock Company “Sharq”.
20. Hasanbaev U., Khatamov J. (2020). Legal basis for ensuring freedom of conscience in the Republic of Uzbekistan. Tashkent: Movarounnahr.
21. Sheikh Muhammed Sodiq Muhammad Yusuf. (2021). “Hadis va Hayot”. Vol. 1. Tashkent: “Hilol-Nashr”.
22. Sheikh Muhammed Sadiq Muhammad Yusuf. (2018). Interpretation Hilal. Vol. 1.2.6. Tashkent: “Hilol-Nashr” publishing house.
23. Qur’an karim. (2020). Tashkent: “Hilol-Nashr”.

## REFERENCES

1. Abu Muntaho Maghnisavi (2021). Sharh fiqh al-akbar. Istanbul.: Dar al-siraj.
2. Aydarbek Tulepov. (2016). Islam and fanatical currents. Tashkent: Movarounnahr.
3. Kamoliddin Bayazi. (2007). Isharat al-maram. Beirut.: Dar al-kutub al-ilmiya.
4. Ismail ibn Hammad Javhari Abu Nasr. (2007). As-sihah. Cairo: Dar al-hadis.
5. Ibni Hisham Ansariy. (2019). Sharhi qatru al-nada va ballus-sada. Beirut: Muassasa al-risala al-nashirun
6. Mulla Aliy Qari. (1998). Minah ar-ravzat al-azhar fi sharhi al-fiqhul-akbar. Beirut: Dar al-bisharat alislamiya.
7. Basim ibn Samim Zhiylani. (2017). Umdat al-hanafi. beirut. Lebanon. Shirkat al-dar al-mashariq



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.